

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг Давлат Ҳариди буйича  
комиссиясининг йигилиши  
**БАЁННОМАСИ № 28**

Тошкент шаҳри

15.08.2022й.

Ўзбекистон Республикаси “Давлат ҳаридлари тұғрисида”ги конунига мувофик ва  
университетнинг 2022 йил 27 июндаги № 207-U-сонли бўйрури асосида тайинланган комиссия  
таркиби:

йигилиш раиси: - Б.Собиров

йигилиш котиби – А.Кучкаров

Давлат ҳаридлари буйича комиссия аъзолари:

3. Х. Ирисметов
4. Ахмедов
5. Н.Палвонов
6. М.Турсунова
7. С.Доттоев
- 8.М.Ўрозов

**кун тартиби:**

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг Давлат Ҳариди буйича  
комиссиясининг 2022 йил 09 августдаги Энг яхши таклифларни танлаб олиш №30117-сонли лот  
рақам билан университетнинг Чилонзор тумани Бунёдкор кўчаси 27-уй манзилида маъмурий  
бино қуриш учун лойҳа-смета ишларини тайёрлаш буйича баённомани мухокама қилиш  
тўғрисида.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат ҳаридлари тўғрисида”ги  
684-сонли қонунининг 7-боб 62-моддаси ҳамда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика  
университетининг 2022 йил 15 августдаги №28 сонли баённомасида белгиланган вазифалар  
ижросини таъминлаш мақсадида

**ЙИГИЛИШ ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Давлат ҳаридларининг электрон тизимга мухокама қилиш учун икки иш куни ичида  
танлаш иштирокчилари томонидан танлов ўтказиш натижалари бўйича эътиrozлар келиб  
тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети молия иқтисод ишлар  
бўйича проректор, комиссия раиси (Б.Собиров), бош инженер (Х.Ирисметов), бош ҳисобчи  
(Н.Палвонов), ATM бўлими бошлиги (С.Доттоев), Ҳўжалик мудири (Б.Ахмедов), бош  
энергетик (М.Ўрозов) Бош аудитор (М.Турсунова)лар, «AvtoTechDraw» МЧЖ билан  
540.000.000,0 (Беш қирқ миллион) сўмга ҚҚС билан шартнома тузишга қарор қилди.

3. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети комиссияси котиби  
(А.Кучкаров) мухокама натижалари тўғрисидаги ахборат асосида ҳарид комиссиясининг  
тегишли мажлис баённомаси ҳамда шартнома имзоланган кундан бошлаб ўн иш куни ичида  
Давлат ҳаридларининг электрон тизимиға жойлаштиурсин.

4. Унбу баён қарори бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдирман.

Б.Собиров.

Х.Ирисметов

Н.Палвонов

С.Доттоев

М.Турсунова

М.Ўрозов

Б.Ахмедов



# Лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш тұғрисида

## ШАРТНОМА № 020

Тошкент ш.

“15” август 2022 йил

Кейинги үринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети номидан устав асосида иш күрүвчи Ректор А.К.Киргизбаев бир томондан ва кейинги үринларда “Бажарувчи” деб юритиладиган “AutoTechDraw” масъулияти чекланган жамияти номидан устав ва АЛ-000096, АЛ-000173-сонли лицензиялар асосида иш күрүвчи директор Н.Н.Пирматов, иккінчи томондан, кейинги үринларда биргаликда “Тарафлар” деб юритилади, Танлов комиссиясининг 2022 йил 09 августдаги 130117-сонли баённомасига асосан мазкур шартномани, кейинги үринларда “шартнома” деб юритилади, қуидагилар тұғрисида түздилар:

### 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Буюртмачи күрсатма беради ва Бажарувчи **Тошкент Давлат педагогика университетининг Чилонзор тумани, Бунёдкор күчаси, 27-үй манзилида маъмурӣ бино** қуриш учун лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш мажбуриятини олади.

1.2. Бажарувчи ишларни лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш тартиблари белгиланган Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ва бошқа ҳужжатлар ҳамда мазкур шартнома асосида амалга оширади.

1.3. Лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун асос Буюртмачи томонидан Бажарувчи иштирокида тайёрланган ва ўрнатылған тартибда тасдиқланган лойихалаштиришга топширик ҳамда мазкур шартнома ҳисобланади. Лойихалаштиришга топширик мазкур шартноманинг ажралмас кисмидир.

1.4. Бажарувчи ишларни Буюртмачи томонидан бошланғич маълумотлар тақдим этилиб, шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигига рўйхатдан ўтказиб, аванс тўловини амалга оширган кундан бошлаб, мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган календар иш жадвалидаги муддатда бажаради.

1.5. Бажарувчи лойиха-смета ҳужжатлари ишларини якунига етказгандан сўнг 3 (уч) нусхада мазкур лойиха ва кидирув ишлари ҳужжатларини Буюртмачига тақдим этиши керак.

### 2. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Шартноманинг баҳоси мазкур шартноманинг 1 ва 3-иловасида келтирилган келишув баённомаси ва лойиха тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига асосан (**ҚҚС билан**) **540 000 000** (**Беш юз кирк миллион**) сўмни ташкил этади.

2.2. Буюртмачи шартномани Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигига рўйхатдан ўтказгандан сўнг 5 (беш) иш куни ичиде шартнома баҳосининг 30 фоиз микдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Шартнома бўйича қолган маблағлари мутаносиб равишда ушлаб колинган ҳолда ишларнинг натижалари тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланадиган ва муҳрлари билан тасдиқланадиган топшириш-қабул килиш далолатномаси ҳамда ҳисоб-фактура расмийлаштирилиб, манзилли рўйхат асосида маблағлар ажратилгандан кейин ўрнатылған тартибда тўланади.

2.4. Бажарувчи томонидан бажарилган ва Буюртмачи томонидан қабул қилинган ишлар учун якуний ҳисоб-китоб Ўзбекистон Республикасининг солик конунчилигини бузилишига йўл қўймайдиган муддатларда ва тартибда амалга оширилади.

### 3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Бажарувчи қуидагиларга мажбур:

3.1.1. Лойихалаш ҳакидаги топшириқка ва бошқа бошланғич маълумотларга мувоффик ишларни бажариш ва натижасини шартноманинг 2-иловасида белгиланган муддатда Буюртмачига топшириш;

3.1.2. Тайёр бўлган лойиха-смета хужжатларини Буюртмачи билан ҳамда тегишли давлат органлари идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиб олиш ёки хулоса олиш;

3.1.3. Буюртмачи, тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг лойиха-смета хужжатлари бўйича асосланган эътиrozларини инобатга олиб лойиха-смета хужжатларига тузатишлар киритиш;

3.1.4. Ишларнинг натижаларини Буюртмачига З (уч) нусхада ва электрон (pdf) кўринишида топшириш;

3.1.5. Буюртмачининг розилигисиз лойиха-смета хужжатларини учинчи шахсларга бермаслик;

3.1.6. Тайёрланган лойиха-смета хужжатлари асосида учинчи шахсларда ишларни бажаришга каршилик килиш ёки бажаришни чеклаш ҳукуки йўклигини кафолатлаш.

### 3.2. Буюртмачи қуидагиларга мажбур:

3.2.1. Шартномада белгиланган миқдорда ва тартибда шартномани 1.1. бандида назарда тутилган ишларни кабул килиб олиш ва ишларни бажарганлик учун Бажарувчига ҳак тўлаш;

3.2.2. Бажарувчидан олинган лойиха-смета хужжатларидан факт мазкур шартномада назарда тутилган максадлар учун фойдаланиш, лойиха-смета хужжатларини Бажарувчининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор килмаслик;

3.2.3. Тайёрланган лойиха-смета хужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан қўзғатилган даъво юзасидан ишга қатнашишга Бажарувчини жалб килиш.

3.3. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошлангич маълумотлар (нуксонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар) тақдим қилиши шарт.

3.4. Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошлангич маълумотлар (нуксонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар)ни 5 (беш) иш куни мобойнида ўрганиб чикиши ҳамда берилган маълумотларда камчиликлар аникланса Буюртмачига маълум қилишни ўз зиммасига олади.

Агар Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошлангич малумотларда аникланган камчиликларни, 5 (беш) иш куни ичida Буюртмачига маълум килмаса, маълумотлар қабул қилинган деб хисобланади ва бундай ҳолат Бажарувчи ишларини бажариш муддатини ўзгартиришга асос бўла олмайди.

3.5. Бажарувчи лойиха-смета хужжатлари камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиха смета хужжатлари ва бажарилган қидирив ишлари маълумотлари асосида барпо этилган обьектни ишлатиш жараёнида аникланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиха-смета хужжатлари ишларида камчиликлар аникланса, Бажарувчи Буюртмачининг биринчи талаби билан лойиха-смета хужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиш ва шунга мувофик зарур қўшимча қидирив ишларини бажариши шарт.

## 4. ИШЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Лойиха-смета хужжатлари ишлари бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси асосида топширади.

4.2. Буюртмачи ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси ва иш натижаларини олгандан сўнг 10 (үн) кун ичida ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 (үн) кун муддат ичida Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган хисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.

Лойиха-смета хужжатларининг мураккаблик даражасига караб ишларни кўриб чиқиш муддатини 30 (уттиз) кунгача узайтириш тўғрисида Бажарувчини огохлатиради.

4.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган холда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган холда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар лойиха-смета хужжатлари ишларини бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, тарафлар 5 кун муддат ичидан тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор килиши ва 15 кун мобайнида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт.

4.5. Лозим топилган ҳолларда тарафлар мустакил эксперталрга лойиха-смета хужжатлари бўйича хулоса учун мурожаат килиши мумкин.

4.6. Лойиха-смета хужжатларида шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлиги аниқланса, бундай камчиликларни смета хужжатларини қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин Ижрочини 10 кун муддат ичидан ёзма равишда огохлантириш ва камчиликларни қиска муддатда бартараф этилишини талаб килиши керак.

## 5. КОНФИДЕНЦИАЛ МАЪЛУМОТЛАРНИ ҲИМОЯЛАШ

5.1. Лойиха-смета хужжатлари ишларининг бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиқсан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

## 6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Бажарувчи лойиха-смета хужжатларида камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик курилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиха-смета хужжатлари маълумотлари асосида барпо этилган объектдан фойдаланиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгардир.

6.2. Лойиха-смета хужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда Бажарувчи Буюртмачининг талаби билан лойиха-смета хужжатларини бепул қайта ишлаб чиқниши ва бунинг оқибатида келтирилган заарни тўлаши шарт.

6.3. Буюртмачи шартнома бўйича ҳак тўланмаганлик (ўз вактида тўланмаганлик) учун Бажарувчига тўлов муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун ўз вактидан тўланмаган сумманинг 0,4 фоиз миқдорида, бирок шартнома суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.4. Бажарувчи ишларни ўз вактида бажармаганлиги учун Буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоиз миқдорида, бирок шартнома суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.5. Пенянинг тўланганлиги ва заарнинг қопланганлиги тарафларни ўз мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

6.6. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

## 7. ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Тарафлар ихтиёрига боғлик бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасdir.

7.2. Мазкур шартнома бўйича ёки у билан боғлик холда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаralар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

7.3. Музокаralар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал килишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар даъвогарнинг танлови бўйича Тошкент туманлараро иктисадий

судида ёки Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Ҳакамлик судида унинг Регламентига асосан ҳакамлик судьяси томонидан якка тартибда кўриб чиқилади.

## **8. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

8.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшичалар улар ёзма равища расмийлаштирилиб, тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтган тақдирда ҳакиқий хисобланади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофик ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарар копланган холда йўл қўйилади.

8.3. Буюртмачи қўйидаги холларда шартномани бекор қилишга ҳакли:

- Бажарувчининг айби билан ишларнинг бориши ушланиб қолса ва ишларни тугатишнинг шартномада белгиланган муддатидан 30 кун ошик муддатга кечиктирилса;

- Бажарувчининг шартнома шартларини бузиши оқибатида берилган топширикда назарда тутилган ишлар сифати пасайса.

8.4. Бажарувчи қўйидаги холларда шартномани бекор қилишга ҳакли:

- Бажарувчига боғлик бўлмаган сабабларга кўра лойиха ишлари Буюртмачи томонидан 30 кундан ошик муддатга тўхтатилса;

- Буюртмачи лойихалаш ишларининг ҳакини тўлаш имкониятига эга бўлмаса ёки тўловларни сабабсиз асосларга кўра кечиктирилса.

8.5. Шартномани бекор қилиш ҳакида карорга келган тараф иккинчи тарафга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.

## **9. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР**

9.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлик коррупциявий ҳаракатларни содир қиласлика келишиб оладилар.

9.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича хамкорликни таъминлайдилар.

9.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтида бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлик ҳолда конунга хилоф равища пул, моддий қимматликлар берилмаганлигини, тақлиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда килинмамаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши ёки килиши мумкинлиги ҳакида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб килинган шахсларнинг ушбу ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

9.4. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат киладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги фактлари ҳакида хабар берилганлиги учун уларга тазиик ўтказмаслигини ва бошқа салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

9.5. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳакда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичидаги тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан коидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичидаги тегишли чоралар кўрилмаганда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳакли.

## 10. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

10.1. Иш натижаларидан нормал фойдаланиш имкониятини бермайдиган камчиликлар аниқланса ва уларни бартараф этмасдан туриб натижалардан фойдаланиб бўлмаса, камчиликларни бартараф этиш Бажаруви томонидан ва унинг хисобдан амалга оширилади.

10.2. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларни бартараф этиш муддатлари Буюртмачи ва Бажарувининг кўшма далолатномасида кайд этилади.

10.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккала нусха хам бир хил юридик кучга эга ва тарафларга бир нусхадан берилади.

10.4. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатлари билан тартибга солинади.

10.5. Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилигига рўйхатдан ўtkazilgandan сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга кадар амал қиласи.

Шартномага қўйидагилар илова килинади:

1-илова - Шартнома баҳосининг келишуви баённомаси;

2-илова – Календар иш жадвали;

3-илова - Лойиҳа тадқиқот ишлари учун смета хисобига.

## 11. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

БУЮРТМАЧИ

БАЖАРУВЧИ

**“AUTOTECHDRAW” МЧЖ**

Адрес: г. Ташкент Мирзо-Улугбекский район,  
кв. А. Юнакий, ул. Проектная G-40, кв-38.

Тел: +998(97) 830 00 00

Р/с: 2020 8000 8008 8155 0001

Банк: в АКБ “Капиталбанк” Мирзо  
Улугбекский ф-л г.Ташкент

МФО: 01018 ИНН: 305 548 895

ОКЭД: 41100



Ректор



А.К.Киргизбаев

Директор



Н.Н.Пирматов

*Муродзинов Ж.Б.  
А. К.Киргизбаев*

2022 йил “\_\_\_” августдаги  
020-сонли шартномага 1-сонли илова

Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун шартнома нархи бўйича келишув

## БАЁННОМАСИ

Биз, куйида имзо қўювчилар, “Буюртмачи” томонидан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети номидан устав асосида иш юритувчи Ректор **А.К.Киргизбаев** ва “Бошлойиҳачи” томонидан “AutoTechDraw” масъулияти чекланган жамияти номидан устав асосида иш юритувчи директор **Н.Н.Пирматов**, шартномада лойиҳалаш обьекти **Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-й манзилида маъмурий бино қуриш** (2022 йил “\_\_\_” августдаги 020-сонли шартнома баҳоси 15% ККС билан 540 000 000 (Беш юз кирқ миллион) сўмни ташкил килади.

Ушбу баённома Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасида ўзаро хисоб–китобларни амалга ошириш учун асос хисобланади.

Буюртмачи

Низомий номидаги ТДПУ



Ректор

А.К.Киргизбаев

Бошлойиҳачи

“AUTOTECHDRAW” МЧЖ



Директор

Н.Н.Пирматов

2022 йил “\_\_\_” августдаги  
020-сонли шартномага 2-сонли илова

Объектни номланиши: Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-й манзилида маъмурӣ бино қурилиши

Смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун

**КАЛЕНДАР ИШ ЖАДВАЛИ**

№ т/р	Ишнинг номланиши	Ишнинг муддати (бошланиши ва якулланиши)	Ишнинг нарҳ қиймати сўм
1.	2	3	4
1.	Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-й манзилида маъмурӣ бино қурилиши	Бошланиши : Буюртмачи томонидан бошлангич тўлов амалга оширилгандан сўнг.  Муддат: 60 иш куни.	(КҚС билан) 540 000 000 (Беш юз кирқ миллион)сўм.

Жами: 15% КҚС билан 540 000 000 (Беш юз кирқ миллион)сўм.

Буюртмачи

Низомий номидаги ТДПУ

Бошлойиҳачи

**“AUTOTECHDRAW” МЧЖ**



А.К.Киргизбаев



Директор

Н.Н.Пирматов

2022 йил “ ” августдаги  
020-сонли шартномага 3-сонли илова

Объектни номланиши: Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-й манзилида маъмурий бино қурилиши

**Лойиха тадқиқот ишлари учун  
СМЕТА ҲИСОБИ**

№ т/р	Иш турлари	Асос	Нархнинг келиб чиқиши	Қиймат минг сўм.
1	2	3	4	5
1.	<b>Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27- й манзилида маъмурий бино қурилиши</b>  Бинонинг умумий майдони 9582,0 м <sup>2</sup>  Нархи 1 м <sup>2</sup> ККС сиз 4 806 275 сум  Бинонинг қурилиш қиймати ККС сиз 4 806 275 сум X 9582,0 =46 053 727,050 минг сум	2019 йил 9 сентябрь 3180-сонли Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирининг тасдиқланган бўйруғи. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирининг 2019 йил 19 августдаги 396-сон бўйруғи иловаси. 3-сонли иловага қўра Муракаблик даражаси- III 0,8781% (0,8781) қабул килинади.	46 053 727,050 x 0,8781	440 434,782
	Жами			440 434,782
	ККС			66 065,218
	Жами ККС билан			506 500,0
	Топохарита 1:500			5 000,0
	Геология			15 000,0
	АПЗ 1-2			2 500,0
	Атрофни мухитта таъсири лойихаси ва экологик хulosса			10 000,0
	Техник шартлар газ, сув, электр,алока			1000,0
	<b>Жами ҚКС билан:</b>			<b>540 000,0</b>

Жами: 15% ҚКС билан 540 000 000,00 (беш юз қирқ миллион) сўм

Лойиха бош мухандиси



Пирматов Н. Н.

944347



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

**"AUTOTECHDRAW" Mas'uliyati cheklangan jamiyat**

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'satilgan holdagi to'liq nomi)

**"AUTOTECHDRAW" MChJ**

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

15.05.2018

608730

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR):

305548895

Tashkiliy-huquqiy  
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Toshkent shahri, Mirzo Ulug'bek tumani, A. YUGNAKIY MAVZESI  
PROEKTNAYA G-40 38-UY,

Guvochnoma:

Toshkent shahri, Mirzo Ulug'bek tumani, DAVLAT  
XIZMATLARI MARKAZI

tomonidan  
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):





ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ

# ЛИЦЕНЗИЯ

№ АЛ-000173

**"AUTOTECHDRAW" mas'uliyati cheklangan jamiyati**

Архитектура-шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқиш фаолияти учун лицензия

ЛИЦЕНЗИЯ РЕЕСТРИ БҮЙИЧА ТАРТИБ РАҚАМИ  
АЛ-000173

СТИР (СОЛИҚ ТҮЛОВЧИННИНГ ИДЕНТИФИКАЦИОН РАҚАМИ)  
305548895

АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ  
27.08.2019дан

ЖОЙЛАШГАН МАНЗИЛИ (ПОЧТА МАНЗИЛИ)  
Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Toshkent shahri, Mirzo Ulug'bek tumani, A. YUGNAKIY MAVZESI, PROEKTNAYA G-40, 38-UY

ФАОЛИЯТ АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН МАНЗИЛ  
Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Toshkent shahri, Mirzo Ulug'bek tumani, A. YUGNAKIY MAVZESI, PROEKTNAYA G-40, 38-UY

ВАКОЛАТЛИ ОРГАН  
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги

27.08.2019  
ТАҚДИМ ЭТИЛГАН САНА



### Фаолият түри

Уй-жой-хұжалик қурилиши учун обектлар ва комплекслар лойиха-смета хұжжатларини ишлаб чиқиши, шу жумладан, уларнинг мұхандислик тармоқлари ва тизимларини лойихалаштириш

Саноат қурилиши учун обектлар ва комплекслар лойиха-смета хұжжатларини ишлаб чиқиши, шу жумладан, уларнинг мұхандислик тармоқлари ва тизимларини лойихалаштириш

Транспорт ва йүл қурилиши объектлари ҳамда комплексларини лойихалаштириш, шу жумладан, уларнинг мұхандислик тармоқлари ва тизимларини лойихалаштириш

Умумий фойдаланиладиган автомобиль йұлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш учун лойиха-смета хұжжатларини ишлаб чиқиши

Магистраль мұхандислик тармоқларини (магистраль газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маңсулотлари қувурларидан ташқари) лойихалаштириш

Энергетика қурилиши ва алоқа объектлари ҳамда комплексларини лойихалаштириш, шу жумладан, уларнинг мұхандислик тармоқлари ва тизимларини лойихалаштириш

